

ЎТМИШГА НАЗАР

МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК

LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE



Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Мургазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Кебадзе Мадонна

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Бурдиашвили Майя

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Кожакеева Ляззат Темировна

*тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,
Қозоғистон Республикаси*

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети*

Бобожонова Дилором Бобожонова

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети*

Зияева Доно Ҳамидовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Аширов Адҳам Азимбаевич

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Агзамова Гулчехра Азизовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна

*тарих фанлари доктори, Тошкент
кимё - технология институти*

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна

*тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон
давлат жаҳон тиллари университети доценти*

Эргашева Юлдуз Алимовна

*Тарих фанлари доктори, профессор
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти*

Теймураз Ахалмосулишвили

*профессор, Телавский государственный университет,
Грузия*

Халикова Раҳбар Эргашевна

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент
давлат техника университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий Университети*

Кобзева Ольга Петровна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий университети*

Одилов Аброр Анварович

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Ерметов Аваз Абдуллаевич

*тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Саипова Камола Давляталиевна

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Джоробекова Айнура Эшимбековна

*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар
вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси*

Толипов Файзулла Саидович

*Тошкент давлат техника университети доценти,
тарих фанлари номзоди*

Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

- 67.Уразова Р.**
МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНДА ЗАРДУШТИЙЛИК ИЛОҲИЁТ
ТИЗИМИ ГЕНЕЗИСИ ЎРГАНИЛИШИ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР.....511
- 68.Улашова С.**
АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ МАНБАЛАРИДА
ҚАВЧИНЛАР.....526
- 69.Aminova A.M., Umarov J.O.**
BOLALARDA VATANPARVARLIK TUYG'USINI
SHAKLLANTIRISHNING YOSHGA BOG'LIQ XUSUSIYATLARI.....533
- 70.Усманова З., Тишабаева Л.**
ҚЎҚОН ЖАДИД МАТБУОТИ ТАРИХИНИНГ
АЙРИМ САҲИФАЛАРИ.....537
- 71.Қобулов Э., Ражабова С.**
ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА СУРҲОН
ВОҲАСИ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ БУЮК ҲИССАСИ.....541
- 72.Ходжаева Л.Ш.**
ФАРФОНА ВОДИЙСИ АЁЛЛАРИНИНГ АНЪАНАВИЙ БОШ
КИЙИМЛАРИДА ЁШ ДАВРИ ТИМСОЛИНИНГ АКС ЭТИШИ.....548
- 73.Ходжамбердиев Х.Э.**
СОБИҚ ИТТИФОҚ ЖАМИЯТИДАГИ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ
ЗИДДИЯТЛАРНИНГ НАЗАРИЙ ТАЛҚИНИ.....554
- 74.Ergo'ziyev A.A., Isoqov S.M.**
BUXORO AMIRLIGI SAVDOSI HORIJY MANBALARDA562
- 75.Қурбонов Э.Э.**
ЎЗБЕКНИНГ ТУРКМАН УРУФИ (Зомин туркманлари мисолида).....567
- 76.Юлдашева М.М.**
БУНЁДКОР ВА ВАЙРОНКОР ҒОЯЛАР: МОҲИЯТИ ВА ШАКЛЛАРИ.....572
- 77.Хосиятов Х.О.**
МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ТЕРМИЗ АРХЕОЛОГИЯ МУЗЕЙИ.....577
- 78.Хакназаров Х.Д.**
КУНДАЛИК ҲАРБИЙ ҲАЁТ ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ
ОБЪЕКТИ СИФАТИДА: НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАР.....583
- 79.Хатамова З.Н.**
ҚЎҚОН ХОНЛИГИДА СОЛИҚЛАР ҲИСОБИГА ТЎЛДИРИЛГАН
ХАЗИНАНИНГ САРФ ЭТИЛИШИГА ОИД МАЪЛУМОТЛАР.....590


80.Холмўминов Ҳ.Э. ЎЗБЕКИСТОНИНГ ЖАНУБИЙ ВОҲАЛАРИДА АҲОЛИНИНГ ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАРИ (XIX АСР ОХИРИ -XX АСР БОШЛАРИ).....	596
81.Худойқулов Т.Д., Халилов Ж.С. ҚЎҚОН ХОНЛИГИДА ЕР ЭГАЛИГИ, ҲУНАРМАНДЧИЛИК ВА САВДО.....	604
82.Ўтанов Х.Ш. XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИ АҲОЛИСИНИНГ ЭТНИК ТАРКИБИ ВА ИЖТИМОЙ ҲАЁТИ ТАРИХИДАН.....	615
83.Эгамбердиева Н.А., Шапсанова Н.Б. ҚАДИМГИ БАҚТРИЯ ТАРИХИНИНГ ЁЗМА МАНБАЛАРДАГИ БАЁНИ ВА ТАРИХИЙ ТАҲЛИЛ МАСАЛАЛАРИ.....	625
84.Юлдошева Б.М. XX АСРНИНГ 80-ЙИЛЛАРИДА АТРОФ-МУҲИТ МАСАЛАСИГА ЁНДАШУВЛАР ТАРИХИДАН (БУХОРО ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА).....	636
85.Ғаффоров Я.Х. ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ ХОРИЖИЙ ТАРИХЧИЛАР ТАҲЛИЛИДА.....	643
86.Шайдуллаева Г.Ш. БАҚТРИЯ ЛАЗУРИТИНИНГ ҚАДИМИЙ МЕСОПОТАМИЯ ШАҲАРЛАРИГА ТАРҚАЛИШИ ҲАҚИДА ЁЗМА ВА АРХЕОЛОГИК МАНБАЛАР.....	651
87.Yakubova Sh.A. O'ZBEKISTONDA FARMATSEVTIKA RIVOJLANISH TARIXIDAN.....	659

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Курбонов Элдор Эрмамович,
Гулистон Давлат Университети
катта ўқитувчиси

ЎЗБЕКНИНГ ТУРКМАН УРУФИ (ЗОМИН ТУРКМАНЛАРИ МИСОЛИДА)

For citation: Kurbonov Eldar Ermamatovich. TURKMEN SEED OF UZBEK (on the example of Zamin Turkmens). Look to the past. 2020, SI, pp. 567-571

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-75>

АННОТАЦИЯ

Мақолада ўзбек халқи этник шаклланишида ўзининг ўрнига эга бўлган 92 ўзбек уруғларидан бири бўлган туркман уруғи ҳақида маълумот берилган. Ушбу мақолада айнан уч тармоқдан иборат бўлган туркманларнинг Зомин туркманлари ҳақида илмий адабиётлардан фойдаланилган ҳолда батафсилроқ ёритишга ҳаракат қилинган.

Калит сўзлар: Туркман, уруғ, генеология, ўзликни англаш, Зомин туркманлари, Нурота туркманлари, Сурхондарё туркманлари, ўзбек туркмани, оила, Каспий бўйи.

Курбонов Элдор Эрмамович,
Гулистанский государственный университет
старший преподаватель

ТУРКМЕНСКАЯ СЕМЬЯ УЗБЕКА (НА ПРИМЕРЕ ЗАМИНСКИХ ТУРКМЕНОВ)

АННОТАЦИЯ

В статье дана информация об семья туркмен, которые выходит на 92 узбекского семей и есть свое место в этнического квалификации узбекского народа. В этой статье, с помощью научной литературы, охватывающей были представлены Зааминской туркмани которое состоит ровно из трех сетей туркмен.

Ключевые слова: Туркмен, семена, генеология, самосознания, Зааминский Туркмени, Нуратинский Туркмени, туркмени сурхандари, узбекский туркмени,

семья, Каспийского край.

Kurbonov Eldar Ermamatovich,
Gulistan State University
senior teacher

TURKMEN SEED OF UZBEK (ON THE EXAMPLE OF ZAMIN TURKMENS)

ABSTRACT

The article gives information about the Turkmen family, which goes to 92 Uzbek families and has its place in the ethnic qualification of the Uzbek people. In this article, with the help of scientific literature covering the Zaamin Turkmenistan, which consists of exactly three networks of Turkmen, were presented.

Index Terms: Turkmen, seeds, genealogy, self-consciousness, Zaamin Turkmen, Nurata Turkmen, Surkhandarya Turkmen, Uzbek Turkmen, family, Caspian region.

Хар бир кишининг ўз оиласи келиб чиққан қавмини, тўпини, авлодларини, уруғи, эли, элатини билишга интилиши ўзлигини англашга олиб келади. Зеро мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И.Каримов айтганларидек "ўзликни англаш тарихни билишда бошланади" [1,Б.5]. Ўзининг келиб чиқишини билмайдиган ёки унга бефарқ қарайдиган юртимиздаги лоқайд инсонларни сувнинг бетига кўпикка қиёсласак, бўлади. Чунки кўпикка ўрин йўқ, ўринни сув эгаллаган. Худди, шунингдек, ўз ўрнини, яъни келиб чиқиш генеология (шажара)сини, тарихини унитган одам ҳам оёғи ердан узилган ва муаллақ турган нарса каби кучсиздир, жонсиздир, уни туртсанг йиқилади, чунки унда суянч, таянч йўқ. Бундай аянчли холни Чор ҳамда Шўролар Россиясининг юртимизда 120 йилдан кўпроқ вақт давомида олиб борган руслаштириш сиёсатининг оқибати десак тўғрироқ бўлади.

Мақола мавзу қилиб олинган туркман элат ўзбекнинг ўрта асрларда битилган (ёзилган) насабнома (шажара)ларида ҳам "туркман" деб номланиб, аталиб келинган [2,Б.57-77].

1920 - 1924 йиллар орасида рус олими И.И.Зарубин ана шу туркманлар орасида элшуносликка оид идмий текшириш ишларини олиб бориб, тадқиқотчилар орасида биринчи бўлиб, бу этносни "Нурота туркманлари" деб атади [3,Б.29].

Унинг бу янги атамасини эса рус олимларидан В.В.Бартольд, С.П.Толстов, В.Г.Мошкова, Т.А.Жданко, Б.Х.Кармышева ва бошқалар ҳам ўз асарларида қўллаб келдилар.

"..... Давлатимиз, миллатимизнинг хаққоний илмий тарихини яратиш кенг жамоатчилигимиз учун ғоят муҳим ва долзарб масалага айланиши лозим" [1,Б.31].

Ўзбек халқининг келиб чиқиши, унинг ўзлик (этник) таркиби, яъни шажараси масалаларининг ечими ўзбек туркмани элати мисолида, шунингдек, менинг оилам, қавмим, тўпим, авлодим мансуб бўлган уруғимнинг шажараси мисолида ўрганиб чиқишга ҳаракат қилдим. Ўзбекнинг турман элати Республикамиз бўйлаб сочилиб кетган бўлса ҳам лекин биз уларнинг зич бўлиб яшайдиган учта географик худуди борлигини аниқладик ва уларга шартли равишда бирига "Зомин туркманлари", иккинчисига "Нурота турманлари", учинчисига "Сурхондарё туркманлари" деб

ном бердик.

Ўзбекнинг туркман элатининг чуқур этнографик тадқиқотлари асосида илмий жихатдан тарихий элшунослик жихатдан ўрганиш ишларини биринчилардан бўлиб В.Г.Мошкова бошлаб берди. Унинг "Самарқанд вилоятидаги туркманларга этнографик экспедиция", "Ўзбек, қорақалпоқ ва туркманларнинг уруғ элларидаги баъзи бир ўхшашликлар" каби илмий мақолалари XX асрнинг 40-йилларида тайёрланиб, улар Тошкент ва Москванинг академик нашриётларида эълон қилинди.

В.Г.Мошкова "Ўзбек, қорақалпоқ ва туркманларнинг уруғ элларидаги баъзи бир ўхшашликлар" мақоласида Ўзбекистон худудида яшаётган барча туркманларни икки гуруҳга бўлади. Уларнинг биринчиси - ҳозирги Каспий бўйи туркманларидан, яъни ҳозирги туркман миллатидан тили, этник таркиби, урф-одати, турмуш тарзи жихатдан деярли фарқ қилмайдиган туркманлар ва иккинчиси - тили, урф-одати, турмуш тарзи жихатдан фарқланувчи туркманларга бўлинади.

Бошқача айтганда, иккинчи гуруҳ туркманларини туркманга нисбатан ўзбекларга яқин бўлган туркман деб ҳисоблайди [4, Б.135-158].

Мақолада кўпроқ Зомин туркманларининг географик жойлашуви, ҳозирда яшаётган худуди ҳақида маълумот беришга ҳаракат қилинган.

Ўзбек туркманлари қадимданоқ юқорида эслатилган уч худудда яшаб келади. Кейинчалик, яъни мустамлака даврида, уларнинг янги ерларни ўзлаштириш, пахта якка ҳоқимлигини ўрнатиш мақсадида аҳолини янги ўзлаштириладиган жойларга кўчириш сиёсати туфайли аҳоли, жумладан, ўзбек туркмани элатидан ҳам кўплаб хонадон (оила)лар чўл ва дашт худудларига, янги ташкил топган туманларга кўчирилди. Улар Тошкент вилоятининг Бекобод, Бўка, Оққўрғон, Чиноз, Янгийўл туманларида яшаса, Тошкентга қўшни бўлган Сирдарё вилоятининг эса деярли барча туманларига кенг тарқалган, ҳатто айрим олинган қишлоқларнинг ва хўжаликларнинг кўпчилиги аҳолисини шулар ташкил қилади. Масалан, Сирдарё туманидаги Кўзибоқар Синдаров ҳамда Ўзбекистон жамоа хўжаликларида, Гулистон туманининг маркази бўлган Дехқонободга тутшиб кетган Туркман қишлоқларининг айрим хўжаликларида ҳам биз ўрганаётган этносга мансуб бўлган аҳоли салмоқли ўринни эгаллайди.

Ушбу элат Сирдарё қўшни бўлган Жиззах вилоятининг Зомин, Зарбдор, Ш.Рашидов, Пахтакор, Дўстлик, Мирзачўл, Арнасой ҳамда Фориш туманларига ҳам кенг тарқалган. Хуллас, уларни бу вилоятнинг Бахмал ҳамда Ғаллаорол туманларидан бошқа деярли барча худудларида учратиш мумкин. Шу жойда нега бу икки туманликда улар яшамайдими деган савол туғилади. Бу икки туманликдаги аҳоли худди Зомин, Жиззах ёки Фориш туманликларининг аҳолиси сингари туб жой аҳолисидир. Улар ушбу худудларда қадимдан яшаб келишади. Анъанага кўра худудлар ўтмишда эл - уруғлар ўртасида тақсимланган. Шунга мувофиқ, Бахмал ва Ғаллаорол аҳолисининг аксарияти Хитой юзи, Қирқ ҳамда туёқли элларига, элатларига тегишлидир. Бироқ, бу билан ана шу иккала туманликда ўзбек туркманлари мутлақо йўқ экан, яшамас экан деган хато фикр келиб чиқмаслиги керак. Масалан, Ғаллаорол туманлигига қарашли сойда, унинг Ўғат гуруҳидаги қишлоқларда туркман элатининг така туркман тармоғига қарашли Ўқтамғали (қўнғирот) элининг Қонжигали тармоғидаги Қийқим уруғи вакиллари қадимдан яшаб келади.

Ушбу элат Жиззах вилоятининг Зомин туманига қарашлик Туркман сойда қадим - қадимдан яшаб келади. Масалан менинг ота - боболарим ҳам ушбу сойда

яшовчи туркманларга тегишли бўлиб, уларнинг нафақат етти пушти, балки қадимда яшаган аждолари ҳам ва улар мансуб бўлган жапин (япин) уруғи ҳам ушбу қишлоқда яшаб келган.

Мирзачўлнинг ўзлаштирилиш муносабати билан Зомин туркманларининг бир қисми, Сирдарё вилоятининг туманларига кўчиб бориб, ўша жойнинг турғун аҳолисига айландилар.


Ушбу элат Жиззах вилоятининг Фориш туманлигида ҳам қадимдан яшаб келади. Масалан, улар асосан тоғ ортидаги Қораабдал гуруҳидаги қишлоқларда, шунингдек, Янгиқишлоқ (Боғдон)дан унча олисда бўлмаган Ишма, Сафарота қишлоқларида ҳам туб жой аҳоли ҳисобланади.

Туркман сўзининг маъносини ифодалашда элшунос олим Б.Ўроқов ўзининг қарашлари билан бойитишга ҳаракат қилган. Унинг фикрича, туркман сўзидаги "ман" қўшимчаси туркий элатлар ичида биринчи бўлиб ислом дини қабул қилганлигини билдирар экан [5,Б,13].


Жиззах вилоятининг Зомин туманига қарашли ва Зомин шаҳарчасидан 5-6 километрча шарқ томонда жойлашган Туркман сойидаги юзлаб хонадонлар ўзбекнинг туркман - юз элидаги унинг Сирдарё туркмани гуруҳига кирувчи аҳоли ҳисобланади [6,Б.60]. Улар "Зомин туркмани" деб ҳам аталади. Бу қишлоқдаги туркманлар қуйидаги икки тоифага - қоратўп ва оқтўп ҳамда олти уруққа бўлинади (2-шажара). Оқтўп ва қоратўп тоифалари қадимда така-ёвмит деб номланган элнинг икки тоифаси бўлишлиги эҳтимолдан ҳоли эмас. Шунинг учун, туркман қишлоқдаги оқтўпликларнинг "келиб чиқишииз асли ёвмит туркманига боради" ва қоратўпликларнинг "келиб чиқишимиз асли така туркманга боради", дейишлари бежиз эмас. Демак, оқтўп ва қоратўп тоифалари қадимда така - ёвмит элига бирлашиб кейинчалик тарқаб кетган.

Сирдарё туркманининг бир қисми XX аср бошларида ҳозирги Боёвут тумани ҳудудида яшаганлиги баъзи тадқиқотчиларнинг асарларида ҳам учрайди. Сирдарё туркманининг яна бир қисми Сирдарё вилоят, Гулистон туманидаги ҳозирги Дехқонобод посёлкасининг шимолий чеккасидаги Туркман маҳалласида, туркманларнинг бошқа бир қисми азалдан Тошкент вилоятининг Бекобод туманидаги Сирдарёнинг ўнг қирғоқ соҳилига яқин катта бир қишлоқ бўлиб яшайди.

Шажара 1.



Шажара 2.

**Иқтибослар/Сноски/References:**

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ.. -Т.: Шарқ, 1998 (Karimov I.A. There is no future without historical memory. - Т. : Sharq, 1998.)
- 2.Ханыков Н. Описание Бухарского ханство. Санкт-Петербург. Типография Императорской А.Н.Сб 1843.(Khanykov N.Description of the BukharaKhanate.St. Petersburg. Printing house of the Imperial A.N. Sat 1843.)
3. Зарубин И.И. Население Самаркандской области, его численность, этнографияической состав и территориальной распределение. -М.:1926. (Zarubin I.I. The population of Samarkand region, its size, ethnographic composition and territorial distribution. -M.: 1926.)
4. Мошкова В.Г. Некоторые общие элементы в родоплеменном составе узбеков, каракалпаков и туркмен. Труды ИИА, -Ташкент, 1950. (Moshkova V.G. Some common elements in the tribal composition of Uzbeks, Karakalpaks and Turkmens. Proceedings of the ИА, Tashkent, 1950.)
5. Қурбонова С. Ўзбекнинг туркман элати ва унинг келиб чиқиши. БМИ. - Гулистон, 2003 й. (Qurbonova S. The Turkmen Turkmen people and its origin. BМI. - Guliston, 2003 y.)
6. Ўроқов Б., Сувонов О., Ўроқов И. Ўзбекнинг туркман-юз эли ва унинг шажараси. - Гулистон: Зиё, 2011. (Urokov B., Suvonov O., Urokov I. The Uzbek-Turkmen people and their family tree. - Guliston: Ziyu, 2011.)

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

МАХСУС СОН

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000